

“Туямўйин - Урганч” минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш  
бошқармасини

**НИЗОМИ**

# 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Кейинги ўринларда Бошқарма деб юритиладиган "Ўямўйини - Урганч" минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармаси ўз фаолиятида 2006 йил 17 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК - 445 - сон қарори билан "Ўзкоммунхизмат" агентлиги тасарруфига киритилган. Бошқарма "Ўямўйини - Урганч" минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш ҳамда хўжалик таъмирлашнинг амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мустақил, ҳўжалик ҳисобидаги Давлат қорхонаси ҳисобланади.

1.2. Бошқарма Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги таркибига кириди, юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, айланма маблағлари ва бошқа ўз ҳисоб рақамига ва бошқа рақамларга эга, сув тозалаш иншоотлари ва сув қувурларини таъмирлашга ажратилган пул маблағлари, шунингдек, ўз балансида ҳисобда турадиган барча моддий бойликларини тасарруф этади.

1.3. Бошқарма, миқдори ўз балансида акс этган Устав жамғармасига эга, ҳамда қонунчиликда белгиланган бошқа жамғармаларни ташкил этиши мумкин.

1.4. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири тўширилган ва ўзининг номлари битилган думалок муҳрга ва бурчак штампига эга.

1.5. Бошқарма ўз фаолиятини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонучилигига ва «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги бўйруқларига, кўрсатмаларига, бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

1.6. Бошқарма «Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг мажбуриятлари учун жавобгар ҳисобланмайди. Алоҳида ҳолларда узаро жавобгарлик шартномавий мажбуриятлар ва Бошқармага тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

1.7. Бошқарма жойлашган манзили: 740000, Урганч шаҳар, ал - Беруний кўчаси, 5 -тор кўча, 15 - уй.

## 2. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ

2.1. Бошқарма Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманининг шаҳарлари, туман марказлари, шаҳар ва қишлоқ поссокалари аҳолисини, коммунал - маиший қорхоналарини, ҳўжалик ҳисобидаги ва давлат таъкилотларини ичимлик суви билан бевосита таъминлаш учун ташкил этилган.

2.2. Бошқарманин вазифалари қуйидагилардан иборат:  
минтақалараро сув қувурларини ишончли ва мустаҳкам ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, объектлардан юқори рентабелликда фойдаланиш ва ўларни таъмирлаш, истеъмолчиларга Давлат Стандартларида белгиланган талабларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сувини шартномаларга асосан етказилиб турилишини таъминлаш;

сув тозалаш иншоотларида ва сув қувурларидаги носозликларни ош қисқа муддатларда бартараф этиш ва қутилмаган носозликларни олдириш ва уларнинг

ORGANCH SHAHAR XO  
DAVLAT ROYXATIDAN O...

сабабларини чуқур ўрганган ҳолда такрорланмаслик чораларини кўриш ва уларни оғишмай амалга ошириш:

мавжуд ишлаб чиқарини қувватларидан самарали фойдаланишни, тежамкорлик ва иқтисод қилиш тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилиш, намин техника тараккилотли илгор тажрибанинг энг замонавий ютуқларини жорий этиш, сув қувурларини фойдаланишига чет эл инвестицияларини ва технологияларини жалб қилиш:

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлигига корхонани ривожлантириш ва ишлаш фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш:

мингақалараро сув қувурлари объектиларининг рентабеллигини ошириш дастурларини тайёрлаш, ушбу мақсадга йўналтирилган зарурий асбоб - ускуналар ва таъмирлаш материаллари билан етарли таъминлаб бўлиш:

бозор иқтисодиёти шароитларида хўжалик юритишининг янги замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, молиявий - иқтисодий ишларини самарадорлик даражасини ошириш, муноғазам равишда молиявий ҳисобни мустахкамлаш.

### 3. БОШҚАРМАНИНГ МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

3.1. Бошқарма мулкни, унинг мустақил балансида аке этган асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа бойликлар ташкил этади.

3.2. Бошқарма ўзига тегишли биноларни, жиҳозларни, транспорт воситаларини бошқа корхоналарга, муассасаларга ва ташкилотларга бериш, шунингдек, уларни белгиланган тартибда сотиш ва балансида чиқаришни «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширади, қолган муқддан «САУ» ҳоҳишига қарво фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3.3. Мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

етказиб берилган сув, қурсатилган хизматлар ва хўжалик юритишининг бошқа турларидан келиб тунадиган фойдалар:

банклардан олинган ва бошқа кредитлар;

бюджетдан бериладиган дотациялар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатлари билан маъи этилмаган бошқа манбалар:


корхона фойда ҳисобидан шакллантирилган резерв капитал, мулкни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляция резервлари ҳамда текинга олинган мулклар ҳисобига ташкил этилади:

3.4. Бюджетга туланган солиқлардан, юқори ташкилотни сакшо туринга келган сарфлар ва бошқа туловлардан, шунингдек, марказлантирилган жамғармаларга утказилган чегирмалардан ортиган фойдалар, Бошқарманинг тузилмасарруфати қилма ва ундан фойдаланиш йўналишларини Бошқарма мустақил белгилайди.

### 4. АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

4.1. Юқланган вазифаларга мувофиқ, Бошқарма қуйидаги функцияларни бажаради:

амалдаги қонунчиликдан ва тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни:





энг зарур булган моддин техник манбаларни тазарендантиривчи восителар, реагентлар, насос жихозлари, ростлаш мосламалари, кубурлар ва хитлаткичлар тақозосига мувофиқ мунтазам таъминлайди ҳамда таъмирланган жихозлар материаллар билан бузилашни амалга оширади:

соликларни ва объектга туланадиган бошқа тўловларни, шуниқ билан барқарорлаштириши ва бошқа жамғармаларни тегирилган ҳисобларни тулайди:

давлат ва ишлаб - чиқариш интизомига риоя этилишини таъминлайди; жамоа шартномалари бўйича мажбуриятларни бажаради;

меҳнатни ташкил қилишни, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, ходимларни моддин рағбатлантиришни, шунингдек, бошқарув тўзилмасини, фан йотуклари ва инновацион тажрибалардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириб боради;

хўжалик-ичимлик сувлари сифатинини лабораторияда кимёвий-бактериологик назоратини, объектларнинг кузги-кишкки мавсумларда ишлашга тайёрлашни, таъмир ишларини ва ишпоотларни паспортизация қилишни амалга оширади;

меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, енгилга қарши ва иш хавфсизлиги хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва қарши бажаради, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этади, бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини баргараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, қарши бажаради;

ишлаётган ходимларнинг индивидуал химояларини ва енгилга қарши воситалар билан таъминлайди;

категорияланган сув тозалаш ва тақсимлаш ишпоотларинини куриқлаштириши ва зарур техник ҳолатда сақлаб турилишини, атроф муҳитни химоя қилиш талабларига риоя этилишини таъминлайди;

объектларни минтакалараро сув кубурларига улаш техник шартлари бўйича таклифлар тайёрлайди;

сувдан фойдаланишга махсус руҳсатномаларни уз вақтинча расмийлантиради ва ичимлик суви ҳисоб - китобини олиб борилишини ташкиллайди;

янги техника бўйича тадбирларни жорий этади, корхонанинг меҳнат даражасини, шунингдек, автоматлаштириши ва телемеханиканинг технологик жараёнларининг даражасини такомиллаштириб боради;

#### 4.2. Бошқарманинг меҳнат даромадлари:

Бошқарма ходимларининг меҳнат муносабатлари меҳнат шартномаси асосидаги қонунчилик ва жамоа шартномаларига мувофиқ бажарилади;

ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари унинг шахсий меҳнат ҳисобига зарур бошқарма ишлари якуний натижаларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади, соликлар билан гартибга солинади ва энг юқори миқдори билан чекланади;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг шартлари, тизимлари ва миқдорлари, шунингдек, ходимларнинг бошқа қуринишдаги даромадлари амалдаги қонунчилик ва меҳнатга мувофиқ белгиланади;

ходимлар иш ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

#### 4.3. Ижтимоий фаолият:

Меҳнат шартномаларини яхшилаш ва давомийлигини ҳақ тўлаш бўйича тараққиёт масалалари, Бошқарма меҳнат жамоаси тэмнинланган муваффиқиятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади;

Бошқарма давлат ижтимоий суғурга ва нафақа жамғармаларига ўтказиладиган чегирмаларни амалдаги қонунчилик ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тартиб ва миқдорларда амалга оширади.

URGANCH SHAHAR XO  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TI

## 5. ХУКУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1. Бошқарма куйидаги хукукларга эга:

конунчиликда хужжатларида маън этилмаган ва Уставга мувофиқ тузилган мақсадлар ва вазифаларга қаратилган хўжалик фаолиятининг барча турларини амалга ошириш;

бошқарма учун ишлар бажараётган ёки хизматлар кўрсатаётган бошқа корхона ва ташкилотларга моддий ва пул маблағларини, шу жумладан, шўна барқарорлаштириши жамғармаси маблағларини бериш;

ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг усуллари ва турларини мустакил белгилаш; фойдаланишдаги суғ қувурларини, биноларни ва иншоотларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, технологик жиҳозларни, махсус автотранспорт воситаларини ва механизмларни таъмирлаш ва алмаштириш;

объектлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ишларини бажарувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш, республика бюджети маблағлари ва ишлаб - чиқаришни ривожлантиришнинг марказлашган жамғармаси, шунингдек, банк кредитлари ҳисобидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш;

ишлаётган объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қўлга жиҳозлаш ишларини амалга ошираётганда пулдрат, хўжалик ва хўжалик - пулдрат усулларида фойдаланиш;

хўжалик фаолияти натижаларига кўра, Уставга мувофиқ белгилашган тартибда ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириши;

ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш ва еттиштирилган маҳсулотларни ўз ходимларига имтиёзли, ташқарига эркин нархда сотиш;

давлат корхонаси муассасе билан келишув буйича, конун хужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очини мумкин;

филиал ёки ваколатхона ташкил этилгандан кейин бир ҳафтга муқаддам давлат корхонаси бу тўғрида Ўзбекистон республикаси Давлат мулки қумитасини (ушунинг худудий бошқармасини) хабардор қилиши шарт;

давлат корхонасининг филиаллари ва ваколатхоналари уларни ташкил этган давлат корхонаси номидан, давлат корхонаси томонидан тасдиқланган шартномалар асосида фаолият кўрсатади ва уни ташкил этган давлат корхонаси мулкига эга бўлади;

давлат корхонаси филиали ёки ваколатхонаси раҳбари давлат корхонасининг раҳбари томонидан муассасе билан келишган ҳолда тайинланади ва унинг ишончномаси асосида фаолият кўрсатади. Филиал ёки ваколатхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда ишончнома давлат корхонаси раҳбари томонидан бекор қилиниши керак.

### 5.2. Бошқарманинг мажбуриятлари:

амалдаги конунчилик ва тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

асосий фондлар ва банк кредитларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;


хуқуқий ишларини олиб бориш, Ўзбекистон «Ўзкоммунизма» Агенствининг буйруқлари кўрсатмаларини, фуқаролардан келиб тунадиган шикоятлар, тақлифлар ва аризаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

бошқармада кадрларни тайёрлаш ва жойлаштиришни амалга ошириш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини амалга ошириш;

носозликларни олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек еттиги хавфсизлик ва Давлат мулкини қуриқлаш буйича ишларини амалга ошириш;

меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси буйича ишларини ташкил этиш.





## 6. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ МУЛКИ

Давлат корхонасининг мулки:

муассис томонидан давлат корхонасига тезкор бошқарини ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

давлат корхонасининг ўз фаолиятида олинган даромадлари;

конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шаклдан тўрида

давлат корхонаси мулкининг қиймати корхонанинг мулккиел баъволига эътирилади;

ташқил этилган давлат корхонасида давлат мулкини тезкор бошқарини таъмин топшириш - қабул қилиб олинган ҳисобномаи корхона раҳбари ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

давлат корхонаси мулки бўлимас мулк ҳисобланади ва қўшничилик ҳисса (удушларлайлар) бўйича, шу жумладан давлат корхонаси мулкининг тақсимланиши мумкин эмас.

давлат корхонаси мулкини тасарруф этиш қўшиқлари ҳолида давлат корхонасининг ижро этувчи органи томонидан муассис билан қўшиқлар ҳолида амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки таровга топшириш;

мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўйиш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (удушлари)ни сотиб олиш;

хўжалик жамиятларидаги давлат корхонасига тегишли активлар (удушлар)ни сотиш;

мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш. Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади, бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотишдан қўшничилик маблағлар, уларни сотиб олинган манбаларидан қатъий назар, давлат мулкининг хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, конун ҳужжатлари ва қонунларнинг тартибда Давлат мулки қўмитаси томонидан тақсимланади.

## 7. ДАВЛАТ КОРХОНАСИ РАХБАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБДҲАРИ

Бошқармага Ўзбекистон «Ўзкоммунизма» Агенцияси билан келишилган ҳолда Хайъат қарори билан тасдиқланган директор раҳбарлик қилади.

Давлат корхонаси раҳбари давлат корхонасининг яқка ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъмин қилиш, давлат корхона номидан ишончномасиз фаолият қурсатади, шу жумладан мулкнинг манфаатларини ифода қилади, давлат корхонаси номидан битимларни белгиланган тартибда амалга оширади, ҳодимларни ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, бўйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар берилади.

давлат корхонаси ҳодимларининг ишга бўйича соғин ва ширини давлат раҳбар микдорлари раҳбар томонидан муассис билан келишган ҳолда таъинланади.

давлат корхонаси раҳбари муассис олдида корхона ҳисобнома қўйишнинг тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

давлат корхонасининг раҳбари ўз ҳуқуқларини амалга ошириши ва вазифаларини бажаришида давлат корхонаси манфаатларини қўлга ҳаракат қилиши керак ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни

ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга теңлаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ихтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганилиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, иш жумладан корхонага берилган давлат мулки иўқолган тақдирда давлат корхонасини етказилган зарарлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

## **8. ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ**

Давлат корхонаси ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақланга берилиши учун жавоб беради.

Давлат корхонаси фаолиятини ҳужжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## **9. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ ФОЙДАСИ**

Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин давлат корхонасида қоладиган соф фойда корхона ихтиёрида қолади ҳамда ундан муассис билан келинган ҳолда фойдаланилади.

Давлат корхонаси ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига корхона уставида назарда тутилган тартибда ва муассис билан келинган микдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

## **10. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Давлат корхонаси ўз мажбуриятлари буйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис корхона мулки етарли бўлмаганда давлат корхонаси мажбуриятлари буйича субсидиар тартибда жавоб беради. Давлат корхонаси муассиснинг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

Давлат корхонасининг филиал ва ваколатхонаси мажбуриятлари буйича уларни ташкил этган давлат корхонаси жавоб беради.

## **11. ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

Давлат корхонаси муассис қарорига қура, тегишли равишда Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

URGANCH SHAHAR HOKIMLIGI  
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI

" 3 " \_\_\_\_\_ 20 21 y.